



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 15 ноябрь, № 236 (7194)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРО ЭТИЛМАГАН БАНДЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда кўмиталар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Давлат бюджетининг жорий йил тўққиз ойлик якунлари бўйича ижроси, шунингдек, 2019 йилга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ ҳамда бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кенг муҳокама қилиняпти.

Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида бюджет ижросига оид бир неча таҳлиллар ўртага ташланди. Масалан, “Обод қишлоқ” дастурининг ижроси бўйича салкам 18 миң аҳолига эга қишлоқ жойларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланиб, намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар барпо этишга 0,5 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

Экспорт фаолиятига жалб қилинган 1400 та тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқарилган умумий қиймати 502,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi 1 миң 185 турдаги маҳсулотнинг экспорт қилиниши тўлиқ таъминланди. Натижада даромадларнинг бир маромда тушиши ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш орқали Давлат бюджети 57,2 миллиард сўм миқдорда дефицит билан ижро этилди.

Тадбирда сўз олган фракция аъзолари Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижросини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш амалиётидан самарали фойдаланиш — иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида парламент нозратини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Ўзбекистон “Миллий



ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар иттифоқи кенгашига Президент совғаси — «Исузу» автобуслари, «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман бўлимларига эса 16 та «Спарк» хизмат автомашиналари топширилди.

— Президентимиз томонидан нуронийларга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқарма раиси Шарап Уснатдинов. — Мана, қорақалпоғистонлик нуронийлар учун «Исузу» автобуси топширилгани бизни беҳад қувонтирди. Бундан ташқари, қорақалпоғистонлик 27 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига 10 турдаги қишки кийим-кечаклар тарқатилмоқда. Нукусда қурилган «Нуронийлар маскани» фаолиятдан ҳам кексаларимиз жуда мамнун.



БИЗ ва ЖАҲОН

Нурсултон НАЗАРБӨЕВ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЖУДА КЎП ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРМОҚДА»

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбөев Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар яхшиланиб бораётгани хусусида ўз фикрларини билдириб ўтди.

“Ўзбекистонда жуда кўп ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, деб бемалол айта оламан. Афсуски, йиллар давомида иқтисодиётимиздаги муносабатларимиз ҳажми 5 фоиздан ошмади. Биз бехуда кўп вақтни бой бердик. Ўзбекистон Қозоғистон бугдйини Европа орқали сотиб олганини тасаввур қила оласизми? Шундай бўлган ҳам”, деди Қозоғистон раҳбари “Astana Club” иштирокчилари йиғилишида қилган нутқида. Бу ҳақда “tengrinews.kz” портали хабар берди. Лекин Президентнинг сўзларига кўра, сўнгги икки йил ичида ўзаро савдо ҳар йили икки баравар ўсаяпти.

“Чегаралар очик, божхона ва иқтисодий алоқалар жуда фаол. Мен Ўзбекистоннинг келажагига катта ишонч билан қараяман. У ерда жуда кўп ўзгаришлар юз берди, иқтисодиёт ҳам, сиёсат ҳам либераллашди. Бироқ ҳаммасига бирдан эришиб бўлмайди. Вазият анча жиддий эди, амалдаги

Президент, жаноб Шавкат Мирзиёев, менинг фикримча, тўғри йўлда ва тўғри муносабатларни ўрнатмоқда. Ўйлашимча, келажақда бундан ҳам яхши бўлади”, дейди Назарбөев. Президентнинг фикрича, Қозоғистон ва Ўзбекистонни савдо алоқалари билан бирга “умумий муаммолар” ҳам бирлаштиради.

У Орол денгизи муаммосига ҳам тўхталиб ўтди. “Бу ерда бир триллион тонна сув бўлган, катта микдорда балиқ етиштирилган. Собик иттифокнинг нотўғри иқтисодий режалаштириши туфайли бутун денгиз йўқолиб кетди. Энди унинг қакшаган тубидан миллионлаб тонна туз ҳавога кўтарилмоқда. Улар Европага бориб тушаётир, тоғларнинг чўққиларига “кўниб”, музликларни эритаяпти. Бу бизнинг энг



катта муаммоимиз”, деди Назарбөев.

Назарбөевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари мазкур масалани ҳам кўриб чиқишган ва жаҳон ҳамжамиятидан ушбу экологик ҳалокатни бартараф этишда кўмак сўраб мурожаат қилинган.

Ф. АБИЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ХИТОЙ МАТБУОТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СИРИ НИМАДА?

Пекиндан махсус мухбиримиз
Омонулла ФАЙЗИЕВ хабар қилади.

Бугун Хитой Халқ Республикаси илғор ғоя ва ташаббуслари билан халқаро майдонда алоҳида эътироф этилмоқда. Масалан, “Бир макон, бир йўл” каби узоқ муддатга мўлжалланган йирик лойиҳалар унинг бошқа давлатлар билан муносабатларини мустақамлашда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ҳамда дўстлик тамойиллари асосида, барча йўналишда кенгайиб бораётгани диққатга сазовордир.

Сўнгги йилларда ушбу мамлакат билан муносабатларимиз янада фаол ривожланганини икки давлат оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик кучайганидан ҳам билиш мумкин. Деярли ҳар ойда юртимиз журналистлари, техник-иходкор ходимлар Хитойга таширф буюриб, медиа оламидаги янгиликлар

билан танишмоқда, тажриба алмашаяпти. Қолаверса, хитойлик ҳамкасбларимиз ҳам айни шу мақсадда Ўзбекистонда бўлиб, телевидение, радио ва газеталар фаолияти билан қизиқаяпти. Юртимизнинг бой маданий мероси билан яқиндан танишаётир.

Шу кунларда биз, ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар Хитой Халқ

Халқ сўзи
Народное слово
Йўлланмаси
билан

Республикасида ижодий сафарда бўлиб турибмиз. Ташрифимиз давомида ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларидаги илғор тенденцияларни ўрганиш баробарида, Хитойнинг турли провинциялари, шаҳарларининг ШХТ, “Бир макон, бир йўл” доирасидаги иқтисодий имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар оляимиз.



Тадбир

Юртимизда экологик партия таъсис этилади

Пойтахтимизда экологик сиёсий партия тузиш бўйича ташаббускорлар мажлиси бўлиб ўтди. Унда экология ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар, олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, журналистлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар томонидан экологик сиёсий партиянинг таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, унинг аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съездини қақариш вазифаларини амалга оширувчи ташкилий кўмитани тузиш, шунингдек, ташкилий кўмитанинг таркиби, жойлашган манзили ва таъсис съездини қақариш муддати ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, ўтмишда атроф-муҳит ҳолатига эътиборсиз муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан меъёрдан ортик фойдаланиш, экологик талабларни менсимаслик Орол денгизи қуриши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, биологик хилмахилликнинг қисқариши, кўп миқдордаги саноат, маиший ва бошқа чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши каби бир қатор глобал ҳамда минтақавий экологик муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу масалалар бугунги иқлим ўзгариши қузатилаётган бир шароитда янада яққолроқ намоён бўлаётир.



ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАЙДОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилаётган «Ташаббус — 2018» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бошланди.



Мазкур нуфузли танлов бу йил янгича форматда ташкил этилгани билан кўпчиликка манзур бўлди. Бунини мамлакат босқичи иштирокчиларининг махсулотлари кўргазмаси илк бор “Ўзэкспомарказ” мажмуасида ташкил этилгани мисолида ҳам аққол қўриш мумкин. Қолаверса, илгари ғолиб ва совриндорлар номи унча асосий йўналиш бўйича аниқланган бўлса, эндиликда номинациялар яна иккигача кўлайди.



«Ташаббус — 2018» республика кўрик-танловининг якуний босқичи иштирокчилари

6 000 дан ортик
тадбиркорлар,
фермерлар ва
хунармандлар орасидан сараланди.

«АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА МИНТАҚАВИЙ ЁНДАШУВ ЗАРУРЛИгини ЯНА БИР БОР КЎРСАТДИ»

Афғонистонда узоқ йиллардан бўён давом этиб келаётган можарони ҳал қилиш жараёнида “тектоник” ўзгаришлар кузатилмоқда. Унинг сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучи, бу Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясидир. Франциянинг нуфузли “l’Opinion” газетасида чоп этилган мақолада шундай фикр билдирилган.

l’Opinion

Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаши билан, — деб ёзилади наشرда, — афғон можаросини

узил-кесил ҳал қилиш учун имконият туғилди. Мазкур жараёнда Афғонистонга қўшни давлатлар асосий ўрин тутishi барчага аён.

“Ўттиз йилдан ортик давом этаётган можаро юз минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига, миллионлаб кишиларнинг уйсиз қолишига олиб келди. Ушбу масалани ҳал қилишга “Марказий Осиё ёндашуви”ни қўллаб-қувватлаш вақти келди”, дейилади “l’Opinion” да.

Газетанда Тошкентнинг Афғонистонга нисбатан сиёсати таҳлил қилинар экан, ўзбек дипломатияси, аввало, қўшни мамлакатда тинчлик ва осийшхаликни таъминлашдан манфаатдорлигини қайд этади. Шавкат Мирзиёев Президентлиги даврида Ўзбекистон бу йўналишда жадал ва самарали чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жорий

йилнинг март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилиб, унда йигирмадан зиёд давлатлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа иттифоқи ва бошқа тузилмаларнинг вакиллари қатнашди. Анжуман муаммони ҳал қилишга минтақавий ёндашув зарурлигини яна бир бор кўрсатди.

“Конференция якунида қабул қилинган Тошкент декларацияси афғон можаросини узил-кесил ҳал қилиш учун “AfPak” (Афғонистон — Покистон) эмас, балки “AfCent” (Афғонистон — Марказий Осиё) ёндашуви устуворликка эгаллигини тасдиқлади”, дея қайд этилади Франция наشرда.

Мақолада айтилишича, Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар халқаро ҳамжамият ҳамда энг муҳими, курашаётган кучлар томонидан илиқ кутиб олинди. Шу йилнинг август ойида “Толибон” ҳаракати делегациясининг Тошкентга таширф буюриши ушбу фикрни аққол тасдиқлади.

“l’Opinion” ўзбек дипломатияси “инклюзивлик” тамойили асосида ишлаётгани унинг муваффақиятини таъминлаётган омил эканига

урғу беради. Яъни Ўзбекистон барча йўналишда ҳамма давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон вакили 2019 йилдан бошлаб Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби лавозимини эгаллашини назарда тутган ҳолда, республика глобал даражада ҳам ўз манфаатларини илгари суриш имкониятига эга бўлади, дейиш мумкин.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРО ЭТИЛМАГАН БАНДЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ



2019 — 2021 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли бюджет концепцияси ишлаб чиқилгани фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди, шунингдек, Давлат бюджетни шакллантириш, унинг даромадлари ҳамда харажатларини режалаштириш жараёнларини тубдан яхшилаш ва ижросини

таъминлашда ушбу ҳужжатнинг нақадар муҳимлиги эътироф этилди. Айни чоғда унда қўзда тутилган чора-тадбирлар, авваламбор, халқимиз фаровонлигини ошириш, хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизга кенг жалб этишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қизгин кечган баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва таклифлар асосида фракцияларнинг

ушбу масала юзасидан тегишли қарорлари қабул қилинди.

Парламент қуйи палатасининг **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталарининг** ҳамкорлик-

даги йиғилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш борасида бюджет маблагларини ажратиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Айтилишича, фуқаролар йиғинлари фаолиятини молиялаштиришда ҳали-ҳануз “қолдиқ принципи” батамом бартараф этилмагани ушбу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлашга салбий

таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, фуқаролар йиғини раислари, маслаҳатчилар белгиланган тартибда ўзининг малакасини ошириб келаётган бўлса-да, уларнинг йўл сарф-харажатларини қоплаш масаласи ҳалигача ечилмаган.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан кўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар иттифоқи кенгашига топширилган автобус Президентимиз томонидан ёшлар келажагига қаратилаётган алоҳида эътиборнинг амалдаги ифодаси бўлди. Бу хурсандчилик Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби»нинг очилиш тантанасига улашиб кетди.

Бундай мактаб Ўзбекистонда илк бор Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани ФХДЁ бўлими қошида ташкил қилинган. Ушбу мактабда оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодиёти, рўзгор ва бюджетни юритиш, оиладаги ижтимоий роллар ҳамда уларни англаган ҳолда муносабатлар қуриш каби мавзуларда ўқув семинарлари ўтказилади.

Е. ҚАНОАТОВ, Ў. ҲАМХОБИРИ.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.

Эътироф

«МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ»НИНГ МУНОСИБИ ЭГАЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Агар юртимизда 9 мингга яқин фуқаролар йиғинлари бўлса, ҳали-ҳамон улар орасида ишни тўғри ташкил этмаган, қолақлиги тўғрйли ушбу институт номига доғ тушириб келаётган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Лекин адолат билан айтганда бўлсак, ҳудуддаги барча масалани ўз зиммасига олган, муҳими, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда фаолият олиб бораётган ва пиروвардидда Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келаётган маҳаллалар сони ҳам кўп.

Мазкур мўъжаз масканларда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг сай-ҳаракати билан жойлардаги масалаларга ижобий ечим топилмоқда. Хусусан, ички йўллар, йўлақлар, кўчалар атрофи обод бўляпти, ижтимоий ҳимояға эҳтиёжи бор фуқаролар қўллаб-қувватлаб келинмоқда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги таъминланаёттир. Энг муҳими, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сезиларли даражада камайишиға эришилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июлдаги “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги қароридан келиб чиққан ҳолда, фаолияти давомида ана шундай юқори натижаларға эришган 314 на-

Жорий йилнинг 9 ойида

3 053 та

маҳаллада жиноят ва ҳуқуқбузарлик қайд этилмади.

Маҳалла посбонлари томонидан

53 812 та

ҳуқуқбузарлик аниқланди,

1 257 та

жиноят очилди.

тинтопган” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуда Бегматова. — Сабаби бу рағбат бўлиши билан бирга, зиммамизға катта масъулият юқлайди. Зеро, олинда қиладиган ишларимиз, бажаришимиз зарур бўлган вазифалар бисёр.

«Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси доирасида маҳаллаларда
144 та сартарошхона,
94 та гўзаллик салони,
63 та тикувчилик цехи,
282 та ҳаммом,
3637 та иссиқхона ташкил этилди.
Натижада
28 792 нафар
аҳолининг бандлиги таъминланди.

фар юртдошимиз мазкур кўкрак нишонига муносиб қўрилди. Бу ҳақда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши мажлисида маълум қилинди.

— Мукофотланганлар орасида борлигини эшитиб, ҳам қувондим, ҳам ҳаяжонландим, — дейди Бектемир туманидаги “Ол-

Тақдирланганларға кўкрак нишонлари ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги пул мукофотлари мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар давомида топширилади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро анжуман олдидан

Эртаға Бухоро шаҳрида «Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва демократик сайловлар:

Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида халқаро конференция ўз ишини бошлайди.

Марказий сайлов комиссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси, Олий Мажлис палаталари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказиладиган анжуманда нуфузли экспертлар ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

Мухбиримиз назар халқаро конференциянинг мамлакатимиз Сайлов кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш нуктаи назаридан аҳамияти хусусида Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Светлана ОРТИҚОВАнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

САЙЛОВ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

— Кейинги вақтларда жамиятдаги демократик жараёнларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда сайлов институтининг долзарблиги ҳамда ижтимоий муҳимлиги алоҳида урғу берилмоқда. Зеро, мамлакатнинг жаҳон майдонидаги нуфузи кўп жиҳатдан айнан сайлов тизимининг очиклиги ва демократчилиги билан белгиланади.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси, шунингдек, сайлов жараёنларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Айни чоғда халқаро экспертларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, тавсиялари ҳамда таклифлари ўрганилади.

Яқунда миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш ва демократик сайловларни ўтказиш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади. Бунда мамлакатнинг ҳар томонлама тараққий этиши, амалиётда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда сайлов ҳуқуқларининг таъминланиши кафолатлари бош омил ҳисобланади.

Юртимизда бугунги кунда миллий сайлов тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чўнки яхлит сайлов тизимини сайланганлар давлат органларини шакллантириш тартиби ва принципларини, фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар мажмуини акс эттиради.

Кайд этиш жоиз, ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар ва бошқа идоралар билан бирга ишлаб чиқилган Сайлов кодексининг лойиҳасини кенг муҳокама қилиш жараёни давом этмоқда. Лойиҳа

сайловни кузатиш бўйича халқаро ташкилотлар миссиялари, шу жумладан, ЕХТД Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШХТ, МДХ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти миссияларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Унда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инвентаризациялаш ҳамда сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш миллий амалиётини умумлаштириш, шунингдек, фаол хорижий тажрибани ўрганиш натижалари тўлиқ қамраб олинди.

Сайлов кодекси лойиҳасининг матни Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан жорий йилнинг 25 июль куни regulation.gov.uz порталига жойлаштирилди.

Лойиҳа фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, Президент, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунлар нормаларини умумлаштириш ҳамда яхлит ҳолда тақдим этишни назарда тутди.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши қонун ҳужжатлари нормалари тақдорланишининг олдини олиш, сайлов жараёнининг кўплаб тартиб-таомиллари масалаларига, шу жумладан, участка сайлов комиссиялари ишларини ойдинлаштириш, сайлов кампаниясининг очиклиги ва ошқоралиги тамойилларини мустаҳкамлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш, аниқлаштириш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар қиритишда шаффофлик тамойилини таъминлаш имко-

нини беради. Шу билан бирга, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлашнинг ажралмас қисми саналади.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис Сенати аъзолари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ сайланади. Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлашда мазкур норма бутун сайлов жараёни қонун нормалари билан тартибга солиниши зарурлиги ҳақидаги халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама муҳокама қилинди. Лойиҳада Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш, шу жумладан, такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказиш бутун тартиб-таомили мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бўшаб қолган ўринларға Сенат аъзоларининг сайловни ўтказиш муддатлари белгиланяпти.

Ҳужжатда Ўзбекистон сайловчиларининг ягона электрон рўйхатининг амал қилиши тартиби ҳам мустаҳкамланаёттир. Бугунги кунда уни сайлов жараёниға татбиқ этиш дастури яратилган бўлиб, 2017 йил декабрда Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлари сайловида тажриба муваффақиятли синовдан ўтди.

Бундан ташқари, лойиҳаға кўра халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловида сиёсий партияларнинг иштирок этиш имкониятлари кенгайимоқда. Халқ депутатларининг туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида фақат сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатиш мутлақ ҳуқуқиға эға бўлиши назарда тутиляпти.

М. АЗИЗОВА ёзиб олди.

ЙИЛИГА 60 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИДАН КАМ БЎЛМАГАН ИШ ҲАҚИ БЕЛГИЛАНАДИ

Бу Ўзбекистонға малакали меҳнат ресурсларини жалб қилишнинг муҳим шартидир.



АҚШнинг бугунгидек ҳар жиҳатдан ривожланган мамлакат бўлишида турли йилларда ушбу давлатға таклиф қилинган илм соҳиблари ва етук мутахассисларнинг ўрни катта бўлган. Боиси малакали кадрлар борган манзили равнақиға ҳисса қўиши билан бирга, ўзлари учун ҳам муносиб турмуш шартларини яратиш имкониятиға эға бўлган. Ушбу омил бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юқсак билим ва тажрибаға эға кадрларға барча замонда ва ҳар ерда талаб катта.

Хўш, Ўзбекистонда хорижий юқори малакали мутахассисларнинг меҳнат фаолияти учун зарур қўлайликлар ва имкониятлар яратилганими?

Тахлилларға қараганда, малакали хорижий менежерларни жалб қилишдаги тўсиқларни олиб ташлаш яхли ички маҳсулотни амалда ошириш имконини берад экан. Янада ўзгазилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизға малакали меҳнат ресурсларининг кириб келишиға тўсиқлиқ қилувчи тизимли муаммолар мавжуд.

Масалан, шу пайтгача чет эллик кадрлар учун уларнинг малака тоифалари бўйича ҳуқуқий чегаралаш мавжуд бўлиши баробарида, хорижлик хизматчини рағбатлантириш механизми умуман бўлмаган. Устиға-устак, республикамизға ташқаридан ишлаш учун келадиган кадрларға рұхсат олиш жараёнида ҳам турли бюрократик талаб амалиётда қўллаб келинган.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалға ошириши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан соҳаға оид барча камчилик бартараф этилмоқда.

Айтиш жоизки, қарор билан татбиқ этилаётган ўзгаришлар меҳнат

бозоримиз учун ҳеч қандай хавф-ҳаёт тўғдирмайдй. Яъни юқори малакали хорижлик кадрлар мамлакатимизға олмавий равишда оқиб келмайди, иш излаётган фуқароларимиз учун рақобат ҳам қўчмайди. Сабаби бу борадаги ишларни тартибга соладиган аниқ мезонлар мавжуд.

Демак, юртимизда юқори малакали мутахассислар, деб халқаро рейтингда биринчи 1000 таликка ки-

ридан кам бўлмаган суммада иш ҳақи белгиланади.

Малакали мутахассислар, деганда олий маълумотли, мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик иш тажрибасиға эға чет эл фуқаролари тушунилади. Уларнинг йиллик ойлик маоши миқдори камида 30 минг АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Агар буларни Ўзбекистоннинг хорижлик мутахассисларға талаби, деб

	ҲОЗИР	2018 йил 1 ДЕКАБРДАН
ТАСДИҚНОМА МУДДАТИ	1 йил	3 йил
МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ	1 йил	3 йил
УЗАЙТИРИШЛАР СОНИ	1 МАРТА	ЧЕГАРАСИЗ

радиган олий таълим муассасаларини битирган, мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасиға эға чет эл фуқаролари тан олинади. Уларға Ўзбекистон Республикасида йилиға 60 минг АҚШ долла-

қабул қиладиган бўлсак, табиийки, иш бажарувчининг ҳам ўзиға яраша шартлари бўлишини унутмаслиқ лозим. Қарорда айтиш шу шартларға жавоб бўладиган имтиёзлар ҳам ўз ифодасини топган.

Юртимизда экологик партия таъсис этилади



Шундай экан ҳозирги кунда Ўзбекистон учун ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масалалари янада долзарб бўлиб турибди.

Биоборин, мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш борасида муайян тажриба орттирилди. Бироқ соҳадаги вазифаларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Бу эса давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг сай-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этапти.

Республикамизда ўтган даврда ушбу вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар қилинди. Бу борада илк қадам сифатида жамоат ташкилотлари ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилди. Унга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан 15 та депутатлик ўрни учун квота ажратилди. Мазкур сай-ҳаракатлар, ўз навбатида, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишларида жамоатчилик иштироки фаоллигини ошириш имконини берди.

зифасини қўймоқда. Шу асосда парламентда муштарак мақсадларни давлат сиёсати даражасида илгари сурдилади.

— Сиёсий куч сифатида экологик партия тузиш ташаббусининг қўллаб-қувватланишини катта хурсандчилик билан қутиб олдик, — дейди Қорақалпоғистон Республикасидан таширф бюрган ташаббускорлардан бири Айсанам Бегимова. — Сабаби мазкур гоёнинг рўёбға чиқарилиши Оролбўйидаги мураккаб экологик вазиятни юмшатиш, бу борада самарали дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётға татбиқ этишда ҳам давлат органлари қатори фуқаролик жамияти вакиллари, умуман, барчамизнинг зиммамизға юқсак масъулият, шарафли вазифа юқлайди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, ташаббускорлар томонидан бир овоздан Ўзбекистон фуқароларининг, келажак авлодининг қўлай шароитда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар саломатлигини сақлашға йўналтирилган тизимли ўзгаришларға жамиятнинг барча кучини бирлаштиришға даъват қиладиган

Президентимиз ўтган йил декабрь ойида Олий Мажлисға йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, “...2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати ўтган даврда чинакам сиёсий кучға айланди. Аммо тан олиш керак, Ҳаракат вакиллари парламент қуйи палатасиға квота асосида киритилиши унинг фаол ва ташаббускор бўлиб ишлашини муайян даражада сўсайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент қуйи палатасидан Экологик ҳаракат вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни қучайтироди ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустаҳкамланишиға хизмат қилади”.

Ташаббускорлар мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалға оширилаётган ислохотлар йўлидаги кейинги қадам сифатида йўлланган тажрибалар асосида янги сиёсий партияни ташкил этиш зарурати вужудға келгани, экологик сиёсий партиянинг асосий эътибори эса атроф-муҳитни муҳофаза қилишни мамлакат ҳар бир фуқаросининг умумий ишиға айлантиришға қаратилиши зарур эканлигини қайд этиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар амалиётда экология соҳасидаги сиёсий партиялар жамият ҳаётида муҳим ўриниға эға. Жумладан, дунёда 100 га яқин давлатларда экологик партиялар фаолият олиб боради. Бугунги кунда қўллаб экологик партиялар ўз олдиға мамлакатлар сиёсий майдонининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида вакиллик органларида ўринлар эғаллаш ва-

сиёсий куч — экологик сиёсий партия тузиш тақлифи маъқулланди.

Шунингдек, мажлисда атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилана фойдаланишға хайрихоҳ бўлган кенг жамоатчилик вакилларидан ташкил топган экологик сиёсий партия тузиш бўйича Ташкилий кўмита шакллантирилди. Унга партияни ташкил этиш “йўл харитаси”ни, таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий жараёнларни амалға ошириш вазифалари юқлатилди.

Ҳар томонлама муҳокамалардан, таклиф ва мулоҳазалардан сўнг ййилгиш иштирокчилари томонидан партияни Ўзбекистон экологик партияси, деб номлаш юзасидан қарор қабул қилинди.

Соиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эркин МУХИТДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари:

— Юртимизға келаётган чет эллик мутахассислар кўп марталиқ меҳнат визасини олиш ҳуқуқиға эға бўлади. Қолаверса, виза муддати тузаган тақдирда, Ўзбекистон ҳудудидан чиқмасдан туриб, виза учун қайта мурожаат қилишлари мумкин. Яна бир қўлайлик шуки, уларнинг оила аъзоларига ҳам яшашлари учун тешишли виза ҳужжатлари расмийлаштирилади. Мабоодо, юқори малакали хорижий мутахассис объектив сабабларға кўра жалб қилинган корхонада ишлаш олмаса, унга 30 кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бошқа корхона топиб, ушар ерда ишлашиға имкон берилади.

Юқори малакали ва малакали чет эллик мутахассисларға бериладиган тасдиқномаларнинг амал қилиш муддатларига ҳам ўзгартишлар киритилди. Янги тартибға кўра, ариза бериувчининг истагиға асосан, улар берилган кундан бошлаб чексиз миқдорда, бироқ ҳар сафар 3 йилдан ортқ бўлмаган муддатгача узайтириш имконияти билан 3 йилдолошларни ташкил қилади. Авваллари эса чет эллик кадрлар ҳар йили ана шундай расмийатчиликка тўла жараёндан ўтишға мажбур эдилар.

Горан КЛЕМЕНЧИЧ, “Regional dialog” ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси эксперти:

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ушбу мамлакатға бўзган қизқиш орттишиға хизмат қилмоқда. Бироқ маҳаллий қонунчиликдаги хорижчилик учун қўйилган талаблар чет эллик мутахассисларнинг эмин-эркин ҳаракатланишиға тўлиқ имкон бермасди. Қабул қилинган ушбу ҳужжат эса ана шу тўсиқларни олиб ташлашға замин яратади. Бу эса хорижий инвесторлар эътиборини тортишға сабаб бўлади.

Халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида олий таълим муассасалари орасида биринчи 1000 таликка кирадиган олий таълим муассасалари битирувчиларининг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини нострификациялаш махсус синовларсиз амалға оширилади. Ўз навбатида, Ўзбекистон меҳнат бозори, ундаги мавжуд иш ўринлари ва ўрнатилган тартиб ҳамда имтиёзлар ҳақидаги махсус ахборот портали ҳам ишға туширилади.

Қисқаси, дунёни заковат маҳсули бошқарар экан, илм ахлини қадрлаган ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун қўлай шароит яратиб берган жамиятда юқсалми бўлади. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз қарори мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти ва инвестициявий жозибадорлигини янги поғонаға кўтариш ҳамда рақобатдош меҳнат ресурсларини жалб қилиши рағбатлантиришға ҳуқуқий замин яратади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУМОВ тайёрлади.

ХИТОЙ МАТБУОТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СИРИ НИМАДА?



Сафаримизнинг дастлабки кунларида оммавий ахборот воситаларининг хитойликлар ҳаётида тутган ўрни билан қизиқдик. Қайд этиш жоизки, телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика ноёб “ноу-хау”ларни ўзлаштирган, техник имкониятлари ҳавас қиладиган даражада. Марказий ва ҳудудий телеканалларни томоша қилсангиз, юқори тиникликдаги сифат, янгиликларни узатишда тезкорлик, лавҳа ва хабарлардаги ранг-баранглик диққатингизни тортмай қўймайди.

Тарихнинг илк қораламаси

Хитойда газеталарга айнаи шундай ёндашув кенг шаклланган. Яъни бугунги матбуот келажак учун тарих, муҳим манбадир. Ҳар бир нашр ўз сайтига эга. Шундай экан, ўқувчи фақат онлайн шакл билан қиёланса бўлмасмикин, деган мулоҳаза қўпчиликда туғилиши табиий. Гап шундаки, сайтлар ўз тартиб-таомилларидан келиб чиқиб, янгилик ҳамда воқеаларни қисқа ва лўнда қилиб узатади, уларнинг тўлиқ тафсилоти билан эса газета орқали танишиш мумкин. Матбуотни ўқиш одамни китобга йўналтиради, бу эса теран фикрлашга, кенг дунёқараш эгаси бўлишга йўл очади, деб ҳисоблайди хитойликлар. Умуман олганда, матбуотнинг бугунги кунгача барқарор ривожланишига аҳолининг матбуотга интилиши ва давлатнинг мунтазам равишда газета-журналларни қўллаб-қувватлашни асосий омил сифатида кўрсатиш мумкин.

Беш миллиондан ўн миллион нусхагача

Газеталар адади жиҳатидан Хитой дунёда биринчи ўринда туради. Масалан, марказий нашрлар беш миллиондан бошлаб, ўн миллион нусхагача чоп этилади. Ҳудудий газеталар ҳам жуда ривожланган. Нафақат провинциялар, балки унинг таркибидagi шахар ва туманларнинг ўз нашрлари ҳам бўлиб, улар ўртача икки миллион ададда ўқувчилар қўлига ет-

казилади. Ушбу мамлакатда обуна масаласи марказлашган ҳолда амалга оширилади. Шу ўринда мамлакатнинг энг ривожланган нашрлари тўғрисида икки оғиз сўз. “Жэньминь жибао” (“Халқ газетаси”) давлатнинг бош наشري ҳисобланади. Мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар, янгиликлар ҳақида бири-биридан муҳим мақолалар, долзарб репортажлар, қизиқарли интервьюлар бериб борилади. Хитойликлар айнаи шу жараёнлар ҳақида газетадан ўқишни афзал билишади. Мазкур нашрнинг интернет фойдаланувчилари сони ҳам ҳайратлангирмай қўймайди — салкам саккиз юз миллион ўқувчидан иборат.

Бир қанча ҳудудий тахририятлар аллақачон йирик холдинг компанияларга айланган. “Чэнду”, “Чжецзян”, “Гуанчжоу” “Хэнань”, “Дагонг” кундалик газеталари фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Улар катта даромад қўрайдиган нашрлар саналади.

Севиб ўқиладиган газеталар орасида “Глобал таймс”, “Гүнжэнь жибао” (“Ишчилар кундалиги”), “Фачжи жибао” (“Хуқуқ кундалиги”), “Нунминь жибао” (“Қишлоқ хўжалиги кундалиги”) ва бошқаларни келтириш мумкин. Яна бир нуфузли газета — “China Daily” ҳисобланиб, у фақат инглиз тилида чоп қилинади.

Бугунги кунда масс-медияни янада тараққий эттириш учун катта шароит яратилмоқда. Мамлакатнинг барча миллат ва элатлари тилидаги матбуот замонавий технологиялар билан таъминланди. Журналистлар



тармоқлар базаси хорижий давлатларга тегишли эканлигини инобатга олиб, Хитой ўзининг мессенжерини яратишга муваффақ бўлди. “WeChat” бу мамлакатнинг “Tencent” компанияси томонидан ишлаб чиқилган дастурдир. Унинг ёрдамида хитойликлар хотиржам маълумот алмашишлари мумкин.

«ОАВ мияси», виртуал телебошловчи, томда бог...

Таширимиз доирасида Хитойнинг асосий ахборот агентлиги “Синьхуа”нинг янги медиа-маркази ҳамда расмий сайти билан танишиш кўзда тутилган эди. Бизни бу ерда самимий кутиб олишди. Янги медиа-марказ соҳа ривожини учун қўмақ бўладиган ишланмалар яратиш билан шуғулланади. Ана шундай “ноу-хау”лардан бири “ОАВ мияси” деб номланади. Махсус

катта шов-шув бўлди, — дейди “Синьхуа” ахборот агентлигининг ташқи алоқалар бошқармасининг ҳудудлар бўйича масъул ходими Чжан Цзэ. — Бу сунъий интеллект асосида ишлайдиган ва матнларни мустақил ўқий оладиган виртуал телебошловчидир.

Сунъий интеллект хитойликларнинг овози, лаб ҳаракати ва юз ифодаларини ўқшата олади. У ҳозирча хитой ва инглиз тилларида дастурларни олиб боради. Виртуал диктор ҳар куни 24 соат узлуксиз ишлай олади. Бу эса янгиликларнинг тезкор ва давомийлигини таъминлайди. Бундан ташқари, ушбу технология фавқулодда ахборот тарқатиш керак бўлган ҳолларда жуда фойдали.

“Синьхуа” ахборот агентлиги Хитой матбуотининг энг муҳим тармоғидир. Агентлик юз фоиз рақамли технологияга ўтган. Унинг электрон сайтига бир кунда 100 миллиондан зиёд ўқувчилар қиради.

“Синьхуа” нафақат Хитойда, балки дунёда ҳам энг йирик халқаро ахборот агентликлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. У ҳозир Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси, Лотин Америкаси ва Африка ҳудудларида бош бошқармаларига, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларида бўлимларига эга. Хитойнинг барча ҳудудда муҳбирлар пунктлари мавжуд.

Сайт тахририяти бир неча катта-катта оналарда жойлашган. Ҳамма бир-бирини қўриб туради. Лекин ҳар бир ижодий ҳодимга фоят қўлай иш шароити яратилган: энг замонавий компьютер, ягона локал тармоқ, ҳаракатланувчи курси. Ҳар бир ҳодим ўрни атрофи ойна билан ўралган ярим айлана стол ва 9 квадрат метр жойдан иборат. Журналистлар қисқа вақт дам олиши учун бино томида бог ҳам яратилган.

Бизга маълумотлар жойланаётган бош саҳифани кўрсатишди. Унда матн, фотосуратдан ташқари, видеотасвирлар, ҳаракатдаги схема, диаграммалар ҳам бор эди. Воқелик ҳақида батафсил маълумот бериш учун дрон (учувчисиз видеокўрилма)лардан фойдаланилади. Бу қўрилма бошқарилади. Унинг ёрдамида ҳаводан туриб ўсталган ҳудудни тасвирлар олиш мумкин. Бундай тасвирлар матнни тўлдирди, воқеа ҳақида батафсил маълумот тақдим этди. Агар воқеа ер ости шахтаси, сув остида рўй берган бўлса, компьютерлар орқали “тиклович” анимацион тасвир яратилади. Бу усул ҳам ўқувчилар эътиборини кенгрок жалб этишга хизмат қилади.

Ижодий сафар давом этапти. Биз турли провинциялардаги бошқа ОАВ фаолияти билан ҳам танишамиз. Улар ҳақида навбатдаги материалларимизда ҳикоя қиламиз.



...Бугунги матбуот келажак учун тарих, муҳим манбадир. Яна бир жиҳати, чинликлар мутолаага, матбуотга алоҳида эътибор беришади. Кўча-кўйда газета дўконлари кўп. Аҳоли бу ерда бир қанча нашрларни мунтазам равишда харид қилади. Почта хизмати ҳам самарали йўлга қўйилганки, ўқувчи обуна бўлган газета, у бир кунда икки маҳал, яъни кундузги ва кечки сонлари чиқишига қарамай, тезкорликда етказиб берилади.

Миллий кадриятларни асраш йўлида

Хитой — улкан тарих, бой маънавий меросга эга мамлакат. Глобаллашув даврида миллий кадриятларни асраб-авайлашнинг ўзи бўлмайди. Шу нукта-назардан бу ерда интернетга, ундан аҳоли тўғри фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилади. Қўллаб-қўлловчи

қўрилма бирор анжуман ёки тадбирни кузатиб, унинг тафсилотлари ҳақидаги хабар ёки янгиликни ўн сония ичида тайёрлаб беради. Мутахассислар тадбирга оид ахборотни журналистлар қанча муддатда тайёрлаши мумкинлигини ҳам текшириб қўришди. Ўта қаққон муҳбир бир тадбир тўғрисидаги хабарни тезкор тайёрлаш учун 15 дақиқа сарфлар экан. “ОАВ мияси” дастури аудиторияга маълумот етказишда ортиқча вақт сарфини йўққа чиқаради.

— Медиа-марказимизнинг яна бир янгилиги шу кўнларда бутун дунёда

1 ➡

“Ташаббус — 2018” республика кўрик-танловининг якуний босқичи қатнашчиларининг махсулотлари тақдими чинакам кўргазма-савдо тусини олди. Унга таширф буюрганлар тадбиркорлик, фермерлик ва хунармандлик ҳаракати тобора тараққий этиб, иқтисодиётимизнинг таянч устунларига айланиб бораётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. Негаки, улар томонидан тақлиф этилаётган турфа хилдаги махсулотлар юқори сифати билан хорижикидан

Айни пайтда богча тўлиқ қувват билан ишламоқда. 150 нафар болажон асосий машғулотлардан ташқари, 12 та тўғаракка жалб этилган.

Хунармандлар махсулотлари намойиш этилаётган бўлим ҳам одамлар билан гавжум. Чунки кўргазма санъат асари даражасига кўтарилган махсулотлар билан яқиндан танишиш, моҳир усталар билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш учун қўлай фурсатдир.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермер, деҳқон хўжа-

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАЙДОНИ

асло қолишмайди. Масалан, “Namangan tomiq sochiqlari” масъулияти чекланган жамияти махсулотларини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Сабаби бу ерда тайёрланаётган момиқ сочиқлар, катталар ва болалар халатлари, трикотаж мато ва бошқа тайёр махсулотларнинг 70 фоизи экспорт қилинади. Биргина 2018 йилнинг ўтган даврида 6,9 миллион АҚШ долларлик товарлар чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди.



Корхона раҳбари Ғиёсиддин Бобохоновнинг айтишича, айна пайтда шу йил охирига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган яна бир йирик лойиҳа устида иш олиб бориляпти. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши орқали қарийб 1000 та иш ўринлари очилиб, экспорт салоҳияти 15 миллион АҚШ доллариға ортиши кутилмоқда.

Экспортчилар сафидан мустаҳкам жой эгаллаётган “Nil-Granit”, “Bukhara Brilliant Silk”, “Toshrobot Textile”, “Surxon KSP-Grand” сингари тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳам шундай янгиликлар кўпчилигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Республикаимиз аграр соҳасининг етакчи қучига айланган фермер хўжаликлари фаолиятига инновацион ишланмалар, илм-фан ютуқлари изчил қўлланилаётгани муваффақиятлар эшигини кенг очмоқда.

— Деҳқончиликдан ташқари, балчиқчилик, чорвачилик, йилқичилик, паррандачилик тармоқларини йўлга қўйганмиз, — дейди Қизилтепа туманидаги “Нарғиз-Диёр” фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Раҳмонов.

янада кенгайтириш, хусусан, кластер усулида балчиқчиликни ривожлантириш ниятидамиз.

“Ташаббус — 2018” танловига “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналиши киритилгани мазкур соҳа фидойилари хизматини эътироф этиш, уларнинг илғор тажрибасини оммалаштириш, янги тадбиркорларни кашф этиш имконини бермоқда. Хусусан, сирдарёлик Барчиной Усмонованинг нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти республикамизнинг бошқа ҳудудларидан келган бизнес вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Аслида, унинг хорижий тилларга ихтисослаштирилган “Севинч” болалар богчасини ташкил этганига ҳали кўп бўлгани йўқ. У шу йилнинг апрель ойида жажжаларга бағрини очган. Шундай бўлса-да, инглиз, корейс, рус ва хитой тилларидан таълим-тарбия бериладиган муассаса тезда тилга тушди.

ликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Хунарманд” уюшмаси, Ёшлар иттифоқи томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ўтказилаётган “Ташаббус — 2018” республика кўрик-танлови иштирокчилари орасидан ғолиблар бешта асосий — “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши фермери”, “Йилнинг энг яхши хунарманди”, “Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналишлари бўйича аниқланади. Шунингдек, унга яқин қўшимча номинаторлар бўйича совриндорлар рағбатлантирилади.

Танлов ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими 17 ноябрь куни бўлиб ўтади.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИҚЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРДАН 7 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

1. **Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 6 июлдаги 47, 20, 101, 5-сон “Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш, ер балансини рўя этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг оқилона жойлаштирилиши бўзилганлиги учун фермер хўжаликлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, етиштирилган махсулот сотилишининг ҳисобини юритиш, шартнома мажбуриятларининг баҳарлирилиши таъминлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3064. (2018 йил 6 декабрдан қучга қирди).

2. Ўзбекистон Республикаси ҳисомий тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мх-сон “Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман (шаҳар)лар, вилоятлар ва республика даражасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3065. (2018 йил 5 сентябрдан қучга қирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 июлдаги 26/6-сон “Қўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пассивларидagi валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қондаларининг II бўлими 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-2. (2018 йил 5 сентябрдан қучга қирди).

4. Ўзбекистон Республикаси электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 26 июлдаги 10-сон “Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби

тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1864-2. (2018 йил 5 сентябрдан қучга қирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 30 июлдаги 26, 115, 2018-59-сон “Фискаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомининг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499-2. (2018 йил 5 сентябрдан қучга қирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 1 августдаги 256-у, 119-сон “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДБ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий газна ҳисобварақига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3066. (2018 йил 5 сентябрдан қучга қирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 2 августдаги 120-н-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ҳодимларининг турлари” Ўзбекистон Республикаси авиация қондаларига (ЎЗР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-11. (2018 йил 5 сентябрдан қучга қирди).

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 сентябрдаги 442-мх-сон “Идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ни давлат реестридан чиқариш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1019-2. (2018 йил 5 сентябрдан қучга қирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 7 августдаги № 2018-7, 02/28-10/32 “Устав капитални 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1801-3. (2018 йил 6 сентябрдан қучга қирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/7-сон “Тижорат банклари томонидан банк қафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-5. (2018 йил 7 декабрдан қучга қирди).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/13-сон “Банка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2706-2. (2018 йил 6 сентябрдан қучга қирди).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/12-сон “Тижорат банклари томонидан қимматли қўғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталига қатнашилмига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894-3. (2018 йил 6 сентябрдан қучга қирди).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/17-сон “Бир қарз олувчи

ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваққулчиликнинг энг кўп миқдорли тўғрисидаги низомининг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2707-3. (2018 йил 6 сентябрдан қучга қирди).

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 31 июлдаги 36-сон “Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмин молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2034-3. (2018 йил 8 декабрдан қучга қирди).

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 августдаги 116, 2018-50, 315-Б-4-сон “Улғуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнақ тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-4. (2018 йил 7 сентябрдан қучга қирди).

16. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 30 июлдаги 118-н-сон “Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродомларини сертификатлаш қондалари”га (ЎЗР АҚ-160) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-7. (2018 йил 8 сентябрдан қучга қирди).

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида

ўтказилдиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низоми тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3067. (2018 йил 8 сентябрдан қучга қирди).

18. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорт агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 15 августдаги 70, 8/ққ, 56-сон “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини битирган ҳайдовчиларга номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳнома бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-2. (2018 йил 8 сентябрдан қучга қирди).

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазирни геологик ўрганиш, санаторда, қончилида ва коммунал-машийи соҳада ишларинг бекхат олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 15 августдаги 55, 52-сон “Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташитиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1491-2. (2018 йил 8 сентябрдан қучга қирди).

20. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 15 августдаги 121-н-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш” авиация қондаларига (ЎЗР АҚ-94) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан

ўтказилди, рўйхат рақами 2141-2. (2018 йил 8 сентябрдан қучга қирди).

21. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 29 августдаги 71-сон “Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1305-4. (2018 йил 8 сентябрдан қучга қирди).

II. **Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1019, 2001 йил 22 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1019-1, 2018 йил 3 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 5 сентябрдаги 442-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг “Устав капитални 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларини фонд биржасида мажбурий листингга қўйиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1801, 2008 йил 1 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1801-1, 2014 йил 24 апрель), (рўйхат рақами 1801-2, 2014 йил 4 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 6 сентябрдаги 443-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Танлов

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети томонидан “Амалиёт эътирофи — 2018” танлови голибларини тақдирлаш тадбири ўтказилди.

«Амалиёт эътирофи» 2018: ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Талабаларнинг ёзги амалиёт натижаларини сарҳисоб қилиш, намунали ижодий ишларини баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган маросимда факультет билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган газеталар, журналлар, телерадиоканаллар таҳририятлари, интернет сайтлар, ахборот агентликлари вакиллари қатнашди. Сўзга чиққанлар маҳорат мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш, ижодий лаборатория ташкил этиш каби чора-тадбирлар замирида ёш журналистларнинг чуқур ихтисослашуви, касб маҳоратини ошириш кўникмаларини шакллантириш вазифаси ётганлигини таъкидлади.

“Амалиёт эътирофи — 2018” танловига ёзги малакавий амалиётни ўтаган 2, 3, 4-босқич талабаларидан 56 та иш келиб тушган. Ушбу материаллар профессионал журналист-амалиётчилардан иборат ҳайъат аъзолари томонидан сараланди.

Тадбирда “Босма ОАВда чоп этилган энг яхши журналистик материал”, “Интернет ОАВда чоп этилган энг яхши журналистик материал”, “Радиода эфирга узатилган энг яхши радиоэшиттириш”, “Телевидение эфирга узатилган энг яхши телекўрсатув” муаллифлари, шунингдек, “Энг яхши медиа-дизайнер”, “Энг яхши PR-ходим” йўналишлари бўйича голиблар аниқланиб, диплом, рамзий статуэтка ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Дилшод КАРИМОВ.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

УНИ ҚАНДАЙ ОММАЛАШТИРИШ МУМКИН?

Спорт ва жисмоний тарбия нафақат саломатлик гарови, балки жамиятдаги муҳим барқарорлиги ва мамлакат тараққиётида инсон капиталининг тўла намоён бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис юртимизда уларни янада ривожлантириш ва оммалаштиришда юксак натижаларга эришадиган давлатлар тажрибасини ўрганиш, самарали жиҳатларини ҳаётимизга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Соғлом турмуш тарзи

Жумладан, АҚШ спорт юкори даражада оммалашган давлатлардан бири ҳисобланади. У ерда болалар спортни оммавий тус олган. Аксарият ҳолларда болалар 2-3 ёшдан бошлаб спорт билан шуғулланади. Кичик ёшдаги ўғил-қизлар учун энг оммавий спорт тури гимнастика ва жанг санъатидир. Европа футболни болалар 3-4 ёшдан бошлаб, америкача футболни эса 7 ёшдан ўйнай бошлашади. Деярли ҳар бир бола у ёки бу спорт тури билан машғул. Бу мамлакатда бўш турган футбол майдонлари ва баскетбол залларига деярли кўзингиз тушмайди.

АҚШда соғлом турмуш тарзининг бу даражада кенг оммалашганининг сабаби спорт инфратузилмаси объектларининг — баскетбол учун мўлжалланган жамоат майдонларидан тўртбўй замонавий спорт мажмуаларининг кўпчилиги билан боғлиқ. Спортда юкори натижаларга эришишга бўлган ҳаракат мактабдан бошланиб, коллеж ва университетда давом этади.

2015 йили Еврокомиссия томонидан Европа мамлакатлари орасида спорт энг оммалашган давлатни аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказилди. Натижаларга кўра, 1-ўринни Швеция эгаллади, кейинги ўринлар Дания, Финляндия, Словения, Австрияга насиб этди. Мисол учун, Швецияда эркакларнинг 33 фоизи мунтазам равишда фитнес залларига боради, уларнинг аксарияти ишга велосипедда қатнайди. Финляндия аҳолисининг 72 фоизи ҳафта давомида камидан бир мартаба турли спорт машқларига боради. Словенияликларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги Европа мамлакатлари орасида энг юкори — аёллар ўртача 84 йил, эркаклар эса 77 йил

умр кўради. Бундай кўрсаткичга эса, асосан, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш эвазига эришилган. Австрияда 15 ёшдан 74 ёшгача бўлган аҳоли қатламнинг 70 фоизи спорт билан шуғулланиб, фаол ҳаёт тарзини олиб боради. Мамлакатда кўпгина спорт ташкилотлари ва клублари фаолият юритиб, бу клубларга ҳар тўртинчи фуқаро мунтазам қатнайди.

Европа мамлакатларида табиат қўйида ва хиёбонда спорт билан шуғулланиш, ишга ёки ўйга боришда жисмоний фаоллиқни (велосипеддан фойдаланиш) намоён қилиш, фитнес маркази ва клубларига қатнаш устуворлик қилса, Россияда жисмоний машқлар билан шуғулланиш учун танлов сифатида кўпроқ таълим муассасаларидаги спорт заллари, уй шароити, хиёбон ва спорт марказлари танланади. Шунингдек, россияликлар ҳам ўйга ёки ишхонага боришда жисмоний фаолликдан фойдаланишни маъқул кўради.

Хорижда оммавий спорт тадбирларини ташкил этишга маҳаллий жамоалар ўрта-сиддаги ўзаро ҳамкорлиқнинг кучлилиги, давлат ва ҳудудий ҳукумат органларининг оммавий спорт ривожини қўллаб-қувватлашга мойиллиги, яшаш жойи, ёши, саломатлиги, ижтимоий мавқеи, даромад даражасидан қатъи назар барча учун сифатли инфратузилмаларнинг очиклиги, ёшларни “қўча”нинг салбий таъсиридан асраш асосий мақсад экани, ўз жисмоний фаоллиқларини намоён этаётган таниқли спортчилар иштирокидан ижтимоий реклама сифатида фойдаланиш, соғломлаштириш, соғлом овқатланиш, спорт аксессуарларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тижорат тузилмаларининг манфатдорлиги катта туртки беради.

Тадқиқотларда европаликларни спорт билан шуғулланишга

соғлиқни мустаҳкамлаш — **61 %**,
ҳордик чиқариш — **39%**,
роҳатланиш — **31%**,
вазнини назорат қилиш — **24 %**,
қарилик аломатларини йўқотиш — **15 %**,
яхши жисмоний кўринишни ушлаб туриш — **41 %**,
тана гўзаллигига эришиш — **24 %**,
дўстлар билан мулоқот — **22 %**,
ижтимоий мавқеини кўтариш — **10 %**,
янги танишлар излаш — **10 %**
ва бошқа омиллар ундаши аниқланган.

Спорт юкори даражада ривожланган мамлакатлардан яна бири Хитойдир. ХХРнинг Давлат Кенгаши таркибида спорт бўйича бош бошқарма фаолият юритади. 1995 йили ХХРнинг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, 15 йилга мўлжалланган умумхалқ соғлигини мустаҳкамлаш дастури тасдиқланган эди. Мазкур дастур Хитой аҳолисининг 60 фоизгача бўлган қисми, биринчи навбатда, болалар ва ёшларни жисмоний тарбия тадбирларида иштирок этишга ҳамда спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган.

Шу асосда мамлакатнинг аҳоли яшаш пунктлари, боғу хиёбонларда, йўл ёқаларида ва одамлар кўп тўпланадиган бошқа жойларда турли ускуналар билан жиҳозланган жисмоний тарбия майдончалари барпо этилган. Хитойдаги аксарият спорт саройлари ва заллари барча учун очик. Мамлакатдаги стадионлар сони 900 мингтага етади, ўртача ҳисобда ҳар 10 минг хитойлик учун 7 тагача стадион тўғри келади.

Шунингдек, мамлакатда мактаб ўқувчилари ва талабалар орасида спортни ри-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН



«Микрокредитбанк»

акциядорлик тижорат банки

«МКВ mobile»

мобиль иловаси орқали йиллик

20%



«Barqaror-online»

омонатини тақлиф этади.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» — ЗАМОНАВИЙ, ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ!

Call-markazi: 71-202-99-99. **www.mikrokreditbank.uz**

Хизматлар лицензияланган.



Қўқонга 5 минг нафарга яқин меҳмонлар келиши кўтилмоқда

Президентимизнинг жорий йил 1 ноябрдаги “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида келгуси йил 10 — 15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида ушбу нуфузли анжуман бўлиб ўтади. Унда дунёнинг 149 мамлакатидан 5 минг нафарга яқин меҳмонлар келиши кўтилмоқда. Айни чоғда мазкур халқаро тадбирни юкори савияда ўтказиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Қарор ва ижро

Хусусан, ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан халқимизнинг қадим тарихи ва маданий ҳаёти, миллий хунармандчилигини бутун дунёга тарғиб қилиш ҳамда туризмни ривожлантириш борасида кўзда тутилган вазифалар ижросига киришилди. Уч юлдузли, 50 ўриндан кам бўлмаган меҳмонхоналар қуриш, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ва савдоларини ташкил этиш, сайёҳлик агентликлари кўмагида туристик маршрутлар сонини ошириш вазифалари шулар жумласидандир.

Яқинда ишга туширилган “As-mald” меҳмонхонаси қўллаб-қувватлаш қулайликлари ва дизайни билан сайёҳлар ҳамда Қўқон шаҳри аҳолисига манзур бўлди. Тадбиркор Моҳидил Назировга “ноль” қийматда ажратилган қаровисиз бино ўрнида қисқа фурсатда икки қаватли, 67 ўринли мухташам меҳмонхона қад ростлади. Европа стандарти асосида қурилган бу ишшоотда 2 та анжуманлар зали, фитнес клуби, чўмилиш ҳавзаси ва бошқа объектлар мужас-

самлашган. Ҳозир бу ерда 21 киши меҳнат қилмоқда, фаолият кўлами ва хизмат турлари кенгайиши ҳисобига яқин вақт ичида қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган. — Фестиваль кунлари ташриф буюрувчилар учун маълум чегирмалар ва бепул қўшимча хизмат турларини йўлга қўйиш мўлжалимиз ҳам бор, — дейди “Хунарманд” уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммадрасул Мирзаҳмедов. — Бугунги кунда Қўқон шаҳрининг тарихий зиёратгоҳлари ҳақида тасаввур берадиган фотолавлар, рассомлар ижодий ишлари, халқ амалий санъати намуналарини тўплаш саёй-ҳаракатлари олиб борилаётир. Бир неча тилда бемалол сўзлашадиган таржимонлар тақлиф этилади. Ҳуллас, халқаро анжуманда латиф шахримизнинг бор гўзаллигини дунёга кўз-кўз қилиш учун барча чорани кўряпмиз.

Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси



Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
тақлиф этади.

Тел.: 93-555-00-95,
93-555-12-88,
71-291-68-94.

www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru



Махсулот сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзъллар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-йў.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.

Навбатчи — Р. Шеркулов.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6